



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA‘LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK
TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI

“ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR MEROSINING SHARQ DAVLATCHILIGI VA MADANIYATI RIVOJIDA TUTGAN O‘RNI”

mavzusidagi III xalqaro ilmiy-nazariy va
amaliy anjuman materiallari



2026-yil 12-fevral





**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI
VA ADABIYOTI UNIVERSITETI**

O‘ZBEKISTON YOZUVCHILAR UYUSHMASI

BOBUR NOMLI XALQARO JAMOAT FONDI

**ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR
MEROSINING SHARQ DAVLATCHILIGI VA
MADANIYATI RIVOJIDA TUTGAN O‘RNI**

III xalqaro ilmiy-nazariy va amaliy anjuman materiallari

Toshkent – 2026



Заҳириддин Муҳаммад Бобур
таваллудининг 543
йиллигига бағишланади

“БОБУРНОМА”НИНГ ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАСИ ВА САБОҚЛАРИ THE ENGLISH TRANSLATION OF THE BABURNAMA AND ITS LESSONS

Қосимбой Мамуров

Филология фанлари доктори (DSc), профессор

DOI: [10.52773/tsuull.conf.2026./VHHL9007](https://doi.org/10.52773/tsuull.conf.2026./VHHL9007)

Аннотация. Ушбу мақолада “Бобурнома” асарининг инглиз тилига таржима қилиниши ва таржима жараёнида юзага келадиган лингвистик ҳамда маданий муаммолар таҳлил қилинади. Хусусан, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тарихий-мемуар услуби, реалия ва этнографик бирликлар, фразеологик воситаларнинг инглиз тилида қай даражада адекват ифодалашга бўлган урунишлар кўриб чиқилади. Турли таржимонлар томонидан амалга оширилган инглизча талқинлар қиёсий жиҳатдан баҳоланади.

Калит сўзлари: Бобур, “Бобурнома”, таржима, табдил, таҳрир, реалия, ибора, мақол.

Annotation. This article analyzes the translation of the “Baburnama” into English and the linguistic as well as cultural challenges that arise in the translation process. In particular, it examines attempts to render Zahiriddin Muhammad Babur’s historical-memoir style, culture-specific realia and ethnographic units, and phraseological expressions with an adequate degree of equivalence in English. English interpretations produced by different translators are comparatively evaluated.

Keywords: Babur, Baburnama, translation, transformation, editing, realia, idiom, proverb.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” шоҳ китобининг беш ярим аср давомида биринчи марта ўзбек миллий таржимасини амалга ошириш учун адабиётшунос ва таржимашунос олим, филология фанлари доктори, профессор, академик, Тошкент Давлат Ўзбек Тили ва Адабиёти Университети ректори Шуҳрат Самариддинович Сирожиддинов “Бобурнома” китобининг инглиз тилига таржима лойҳасини ишлаб чиқди ва уни амалга ошириш учун уч кишидан иборат таржимон ижрочилар жамоасини тузиб, унга раҳбарлик қилди. Лойиҳа бўйича таржимонлар жамоаси аъзолари: етакчи таржимон ва масъул муҳаррир – ректор, академик Шуҳрат Самариддинович Сирожиддинов; масъул таржимон – олий тоифали халқаро таржимон, профессор Қосимбой Мамуров, масъул



мухаррир – Университетнинг “Таржима Назарияси ва Амалиёти” кафедраси мудири, ф.ф.д., профессор Зиёда Тешабоева.

“Бобурнома” китобининг таржимаси учун адабиётшунос олимлар, устоз, профессор Ваҳоб Раҳмон ҳамда ф.ф.д. профессор Каромат Муллахўжаеванинг 2008 йилги табдил нашри асос қилиб олинди. Мазкур табдил тили ҳозирги ўзбек тили нормаларига тўлиқ жавоб беради. Китоб тушунарли, аниқ, воқеалар ривожининг бир-бири билан мантиқан боғланиши аслагидек тўлиқ акс эттирилган. Китобнинг 2008 йилги табдил нашрини инглиз тилига таржима қилиш ўз вақтида кўтарилган ўта тўғри долзарб ғоя ва ташаббус деб ҳисоблаймиз. Чунки, мазкур таржима ўзбек халқининг буюк фарзанди шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур билан жаҳон ҳамжамиятини таништириш баробарида, мустақилликдан кейин мамлакатимизга расмий ёки норасмий ташриф билан келган хорижий меҳмонлар, шу жумладан, кўплаб давлатларнинг президентлари, элчилари, дипломатлари, инвесторлари, ватанимизда иш юритаётган кўшма корхоналарнинг чет эллик таъсисчи раҳбарлари ҳамда туристларнинг “Бобурнома”нинг миллий таржимаси билан қизиқиб келганликлари ва хоҳиш-истакларини эътиборга олиш, мазкур таржиманинг ўта муҳим эканлигидан далолат беради.

Масъул таржимон сифатида “Бобурнома” китобини синчиклаб қайта ва қайт ўқиб чиқдим, унда ёшлигим ўтган ҳудудлар, шаҳарлар ва қишлоқлар барчаси бор экан, барчаси шундай кўз олдимдан намоён бўлди. Айниқса, ўтмишни, авлодларни, қуролдошларини болаларигача эслатиб ўтиш, манга жуда ёқди.

Ҳиндистонга қилган саёҳатим даврида, Бобур борган ҳудудлар, айниқса, Агра шаҳри ва шоҳ қасри, Тоғмаҳал меъморий обидаси, Бобурийлар даври воқеалари бирма-бир хотирамда тиклана бошлади. Демак, китобни айнан ўзидек таржимасини яратиш учун унда келтирилган барча воқеаларни аслагидек инглизча тасвирлаш керак, шунда бу китоб гўёки инглиз тилида ёзилгандек ўқилади, деган фикрга келдим. Китобни ўқиб чиқишим биланок, Бобурнинг руҳият оламига кирганлигимни ҳис қила бошладим ва таржимани удалай олишимизни сездим.

Олдиндан таржимани аниқ тасаввур қилиш учун, таржима ҳамда таҳрирда бир хелликка эриши учун “Бобурнома”ни таржима ва таҳрир қилиш бўйича ўзига хос қўлланма, яъни тавсиянома ишлаб чиқдим. Асл ва таржима тилида бир хилликка эришиш учун асар тилининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш тўғрисида қуйидаги қоидаларни ўзимга ва лойиҳа муҳаррирларига тавсиянома сифатида тарқатдим. Шу жумладан, қуйидагиларни:

1. Ҳаммамизга маълумки, ҳар бир тилнинг танҳо ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бу ўзига хослик тилнинг барча қатламларида (фонетика, лексика, грамматика ва ҳ.о) бор ва уни ҳеч ким инкор эта

олмайди. Бу тилнинг ўзига хослиги “Бобурнома”да ҳам ўз аксини топган. 3. Демак, унинг ўзига хос лўғавий таркиби, сўзлари, шевалари, грамматикаси, хусусан, гапларни синтактик қурилиши ва асар услуби ва ундаги ранг-баранг бидий санъатлар таржимаси муҳим ҳисобланади.

4. Демак, “Бобурнома”ни таржима қилишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- Бобур усубига хос ва мос равишда таржимани ҳам иложи борича содда, аниқ, лўнда ва тушунарли тарзда таржимада баён этиш лозим;
- Маъноси мавҳум сўзлардан кўра маъноси аниқ, тушунарли ва барча учун таниш ва оммабоп сўзларни қўллаш лозим.
- “Бобурнома”дагидек, иложи борича жумлаларни (гапларни) қисқа тузиш, узун гаплардан тийилиш. Яъни бир гапда бир-неча фикрдан кўра, битта фикрни ифодалаш мақсадга мувофиқдир. Ўртача гап узунлиги инглиз тилида 25 та мустақил сўздан ошмагани мақсадга мувофиқдир. Агар гапда бир неча фикрни айтишга тўғри келса, унда фикрлар тизими кетма-кет уюшиқ гапларда ҳамда мураккаб эргашган гаплар билан таржима қилиш лозим.

Ҳозиргача “Бобурнома” китобининг мавжуд инглизча таржималари аксари кўпи рус, турк ёки форс тилидан қилинганлигининг далили шундан иборатки, ҳозиргача мавжуд таржималарда русча ёки туркча талаффуз транслитерацияси билан берилганлигини такрорламаслик учун уларни энди ўзбекча талаффуз транслитерацияси билан ифодалаш керак, шу жумладан:

1. О ни А билан эмас, О билан ифодалаш О/о – О/о керак, масалан: Олмалик, Олмоту – Olmalik, Olmatu.
2. Аа – Аа билан ифодалаш : Хўжанд – Khujand.
3. Қ ни К билан эмас Q/q билан ифодалаш; Самарқанд – Samarqand.
4. Ў/ў ни эса U/u билан ифодалаш; Ўзбеклар – Uzbeks.
5. У/у ни U/u билан; Умаршайх Мирзо – Umarshaikh Mirzo.
6. Ғ ни _gh билан ифодалаш; Марғинон – Marghinon
7. Ҳ ни Х билан эмас, Н, н билан ифодалаш: Султон Маҳмудхон – Sultan Mahmudkhan.
8. Х ни х ёки Н/ н билан эмас, Kh ҳарф бирикмалари билан ифодалаш: Султон Маҳмудхон – Sultan Mahmudkhan
9. Ш ш ни – Sh/sh ҳар бирикмаси билан: Шош – Shosh, Шайх Муслиҳиддин – Sheikh Muslihiddin, Ҳо, дарвеш – Ho, darvesh
10. Ч/ч ни – Ch/ch ҳарф бирикмаси билан: Чиғатойхон – Chigatoykhan, Чоч – Choch
11. Ц /ц ни – Ts ҳарф бирикмаси билан.
12. Я/я ни –Ya-ya билан ифодалаш: Шохрухия – Shahrukhiya

13. Ўзбек тилидаги сўзлар, яъни гап бўлаги тартибини имкон борича инглиз тилида ўзбек тили гап тартибига инглиз тили гапларида сўз тартибини бузмасдан, яқинлаштириш. Яъни агар ўзбек тилида ўрин пайт



келишигидаги сўзлар гапни бошида келса, улардан пайт келишигидаги сўзни инглиз тилида гап бошига, ўрин келишигидаги сўзни эса кесимдан кейин гап охирига жойлаштириш, кетма – кет бир жойда жойлаштириш услубни кўполлаштиради. Масалан: ”Менинг ҳурматим туфайли, у ердан узатдилар, Қундузда менга келиб қўшилди” – Thanks to my respect, they saw him off from there, he came and joined me in Qunduz.

1. Ўзбек тилида от олдида ишлатилган аниқловчи сўзларни инглиз тилида ҳам аниқланмишдан олдин жойлаштириш, у ҳатто от билан ифодаланган бўлса ҳам. Масалан: “Юнусхон Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатой наслидандир. Юнусхон ибн Вайсхон ибн Шерали ўғлон ибн Муҳаммадхон ибн Хизр Хожахон ибн Туғлуқ Темурхон ибн Эсан Бугахон ибн Дўвахон ибн Бароқхон ибн Йесун Тува ибн Мўтугон ибн Чигатойхон ибн Чингизхон – инглизчаси: Yunus Khan, the second son of Genghis Khan, was a descendant of Chigatai. Yunus Khan's descendants were ibn Vaish Khan ibn Sherali Oghlon ibn Muhammad Khan ibn Khizr Khoja Khan ibn Tughluq Temur Khan ibn Esan Buga Khan ibn Dova Khan ibn Baraq Khan ibn Yesun Tuva ibn Mutug'an ibn Chigatai Khan ibn Genghiz Khan.

14. Ўзбек тилида от олдида ишлатилган аниқловчи сўзларни инглиз тилида ҳам аниқланмишдан олдин жойлаштириш, у ҳатто от билан ифодаланган бўлса ҳам, масалан: “Гарчи намоз ўқиб, таомда парҳез қилса ҳам, аммо бетамиз, бузуқи, идроксиз, бефаҳм, бевафо ва оқибатсиз киши эди” – “Though he performed prayers and kept to diet from meals, but he was perverted, wrong doing, senseless, unintelligent, unfaithful, and disloyal man”.

15. Равишлар эса ўзбек тилида одатда феълдан олдин кўлланилади, бундай ҳолатда инглиз тилда равиш феълдан кейин келади: “Маҳмуд барлос Ҳисорни бермай, яхши ҳимоя қилди” – Mahmud Barlos defended Hissar well, without surrendering (таржималар бизники – КМ)

16. Гап блақларининг синтактик – семантик муносабатлари ўзбек тилида келишик кўшимчалари билан ифодаланса, инглиз тилида асосан предлоглар билан ифодаланади: “Балх дарвозасида ҳазоралар билан урушда Султон Абусаид мирзо олдида баҳс бойлашиб мушт жангига кирганди”. – In the battle with the Hazaras at the gate of Balkh, in front of Mirza, making a bet, Sultan Abusaid launched fist-fighting”(таржима бизники – КМ). Таржима ва таҳрирда юқоридаги қоидаларга риоя қилишни тавсия қилдим.

Таржимани бошлашдан олдин, инглиззабон таржимон Такстоннинг “Бобурнома” таржимасида 10-бетчасини, ўзбекчаси билан қиёслаб ўқиб чиқдим ва параллел равишда ўзим ҳам оғзаки таржима қилиб бордим. Таржималар ичида кўпгина таржимашунос олимлар томонидан энг мукамал таржима деб ҳисобланган Такстоннинг таржимаси ҳам хато ва камчиликлардан холи эмас экан. Демак, “Бобурнома”ни миллий таржимасини яратиш тўғрисидаги қарор жуда тўғри қарор. Шундагина асарнинг аслдаги жозибаси ва ўзига хос ёзилиш услуби ва миллий тафаккур



хам таржимада ўз аксини топади. Қуйида Такстон таржимасидаги хатолардан бир мисол. Инглизчасининг қавс ичида тескари таржимаси ва пастрокда менинг таржимам келтирилган. Фарқлари яққол сезилиб турибди.

Ўзбекча: 54-бет: “Бундай сипоҳий ва элга таниқли йигитлардан хийла бор эди. Яна шаҳар жангари йигитларидан Девонаи Жомабофни ва Кал Қошукни келтирдиларки, улар олишув ва жангариликда суяксиз, учар эдилар. Ғори Ошиқонда ўлган пиёдаларнинг қасосига уларни азоблар билан ўлдириш буюрилди”ю

Инглизчага Такстон таржимаси (80-бет): “Many such warriors were well known to the soldiers and folk. From the city rabble (шаҳар вайронасидан яна) Девонаи Жомабофни ва Кал Қошукни they brought in Dewana Jamabaf and Kal Qashuq, who were outstanding in pitching rocks and scrapping” (таржимаси: Улар тош тарошлаш ва майдалашда машхур эдилар). (43bet): In revenge for the infantry soldiers killed at the Lovers' Cave it was ordered that those two be tortured to death. (Таржимаси: Ғори Ошиқонда ўлдирилган пиёдаларнинг қасосига уларни азоблар билан ўлдириш буюрилди)

Менинг таржимам: “There were a considerable number of such warriors who were well-known among troops and folks. Additionally, from the city warriors they brought in Dewana Jamabaf and Kal Qashuq, who were swift in battling and fighting [43b]. To revenge for infantry soldiers killed at the Lovers' Cave, they were ordered to be tortured to death” (КМ). Бундай хатолар ҳар бир бетда учрайди.

“Бобурнома”дан 10 бетини оғзаки таржима қилиб, шунга амин бўлдимки, “Бобурнома”ни сифатли таржима қила оламиз, чунки бунга эҳтиёж, иштиёқ ва кучли илҳом ҳам пайдо бўлди.

Дастлабки 20 кунда, кафедра аъзолари билан Устоз Ваҳоб Раҳмон томонидан амалга оширилган “Бобурнома”нинг 2008 йилги табдилининг 70 - бетигача таржима қилиб мудиримиз Зиёдага таҳрир учун тақдим қилдик. Агар бир ой муддат берилса, мен китобнинг 70 бетидан 140 бетигача, яъни яна 70 бетини таржима ва таҳрир қилиб тайёр ҳолда тақдим қилишни, режалаштириб олдим. Қолганини, 140 бетдан 288 бетгача, жами 148 бетни Зиёда билан Аида ўртада тақсимлашиб (74 бетдан) олиб таржима қилишлари мумкин. Докторлик иши билан жуда банд бўлганлиги учун Аида таржимани зиммасига олмади. Мен ўз улушим китобнинг 160 бети таржимасини тугатганимдан, икки ой ўтган бўлса-да, Зиёда бир бет ҳам таржима қилмаган эди. У ҳам таржима мураккаблигини ҳис қилиб, қолган қисмини ҳам ўзингиз охиригача таржима қилинг деб менинг зиммамга юклаб қўйди. Мен ноиложликдан рози бўлдим ва охиригача ўзим таржима қилдим.

Таржиманинг иккинчи ойига келиб таржима ишимиз самарали бўла бошлади. Таржима ҳажмини икки ҳисса қилиб бажаришга ўтдик. Яъни икки- уч саҳифали 2 устундан иборат 6 саҳифани таржима қилишга



улгурадиган бўлди. Демак, ўзбек тилидаги “Бобурнома”нинг янги табдилини сифатли қилиб таржима қила олишимиз мумкин экан. Ҳеч иккиланмасдан охиригача таржима қилишимизга ишончимиз ортди.

Ва ниҳоят, таржимани измимга тушириб олдим. Бобур аллақачон мени сеҳрлаб олди, энди ўзимни таржимадан тўхтата олмай қолдим. Худо хоҳласа, таржима яхши чиқади. “Бобурнома” таржимасини энг лаззатли роҳатли палласига кирдим. Чунки ўзбек тилидаги табдилдан тўппадан - тўғри таржима қилишга ўтиб олдим. Бу ўзгача. Уни устида жуда роҳатланиб ва қизиқиш билан жуда мазза қилиб, завқ ва қониқиш билан ишладим, Аллоҳга шукрлар бўлсин!

Таржима жараёнида пайдо бўлган баъзи бир фикрларни алоҳида ёзиб бордим ва уларни раҳбарият ва таҳрирчилар билан ўртоқлашишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладим.

Аввало, таржимани тўғридан-тўғри ўзбекча табдилдан таржима қилишга ўтдик. Шуниси яхшироқ экан назаримда. Хомаки таржима асосида таржима қилиш кўп чалғитар экан: уни тўғрилашга вақт кетар, энг хавфлиси, таржимонни хомаки таржима ўз шакл ва мазмунига, яъни ўз измига солиб олиш ҳавфи борлиги, бу энг катта хато, яъни табдилдан қилинадиган таржима ўзининг оригиналлиги, аслигига путур етказиб қўйиши мумкин. Табдилдан тўғридан-тўғри таржима қилиш билан таржиманинг энг лаззатлиб роҳатли палласига кирдик. Табдил билан ишладик. Хом таржимага қарамаган яхши экан. Чунки унга чалғиб ёки унинг борлигига ишониб, таржима бўйича тафаккуримиз ялқовлашиб қолиши ва зарур бўлган сўз хотирага келмай қолиш хавфи мавжудлигини ҳам сездим.

Иккинчидан, чет эллик таржимонлар таржимасидан ҳам фойдаланиш ёки уларга таяниш ҳам ўта хавфли. Биронтасидан ҳам фойдаланмаслик керак деган қатъий хулосага келдим ва уларга мурожаат қилишни таржима бошиданок батамом ман қилдим. Чунки улар бизни чалғитиши мумкин, натижада уларда қўйилган хатони биз ҳам такрорлашимизга олиб келиш хавфи бор эди.

Учинчидан, энг эътиборли томони шуки, Бобурнинг тафаккури, ёзиши воқеаларни шунчаки оддий қайд қилишдан, энди ёши ақалла бир ёшга улғайгани сари, у воқеаларни, ўз стратегиясини, душман ҳаракатларини ва мақсадларини аналитик, таҳлилий тасвирлар, мушоҳадалар орқали ёритишга ўтиб бормоқда. 12 ёшига қараганда 15, 17 ва 20 ёшдан кейин Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг мушоҳадаси ўта кучли, кенг, чуқур бўла бошлади. Борган сари донишманд бўлиб бормоқда ва ҳатто “одам алови ичида” дегани каби инсоншунос бўлиб, одамларни ишчанлиги, содиқлиги, шижоати, довюраклиги ва умум мақсадлар сари ҳаракатига ҳамда шу пайтгача йўл қўйилган хатоларни таҳлил қилиб, тўғри стратегик хулосалар чиқармоқда. Асардаги ўта мураккаб фалсафий ва ҳарбий мушоҳадалар,



стратегик режаларни ҳамда Бобурнинг ҳикматли сўзларини, мақолларини, афоризмларини таржимада бор бўйи-басти билан кўрсатиб таржима қилишга ҳаракат қилмоқдамиз. Албатта, бу бир мунча ўйлаб таржима қилишга мажбур қиламоқда. Бу эса кўпроқ вақт талаб қилмоқда эди.

Худо хоҳласа, таржима ишимиз, албатта, гўзал ва сифатли бўлади. Ишончим комил. Таржимамиз ўзимга ҳам ёқиб, қизиқишимиз янада ортиб бормоқда. Таржима ишини бир кун тўхтатиш ҳам спортчи формадан чиққани каби бизни ҳам ишчанлик формасидан чиқариб юбориши мумкин. Мунтазам равишда, ҳеч бўлмаса, ҳар куни ярим кун таржима қилиб туриш шарт эканлигини ҳам англаб бормоқдамиз. Шунинг учун дам олиш кунлари ҳам тўхтамасдан таржима билан шуғулланишга тўғри келди.

Бир ойга етмасдан принтердан чиққан стандарт қоғоз ҳажмида 120 бетдан ошиқ таржима қилибмиз. Агар манга ёзишга келадиган докторант ёшлар тез ёзганларида эди, шу муддат ичида 2-3 баробар кўп таржима қилган бўлардик. Мен уларни суёт ёзишига қараб, кутиб тез айтолмай 3-4 марта қўл такрор ва такрор айтишимга тўғри келди. Табдил ва хорижий таржимонлар таржимасидаги аниқланган камчилик ва хатоларни раҳбаримиз Зиёдага мунтазам айтиб бордим. У киши барчасини тўплаб лойиҳа раҳбари Ректоримизга тақдим қилиб борди. Доимий мадад, кўмак ва маслаҳатлар учун бош раҳбаримиз Ректоримиз Академик Шухрат Сиржиддиновдан чексиз миннатдормиз.

Таржима жараёни бўйича яна бир ҳисобот тайёрладим. Иккинчи ой, 30 кун таржима якуни бўйича айтмоқчиманки, ҳар куни 10-12 соат ўтириб таржима қилмоқдамиз. Кунига олти, олти ярим бет таржима қилмоқдамиз. Натижа ёмон эмас. Стандарт принтер формати бўйича жами бугунгача 200 бет таржима қилдик. Ундан 120 бетини таҳрир қилиб Зиёдага тақдим қилдик, у бир кўриб, оққа тўғри кўчиртириб, “Бобурнома” таржимаси лойиҳаси раҳбарига тақдим қиларди. Яна стандарт формат бўйича 100 бет таржима қилдим, таҳрир қилиб, буни ҳам Зиёдага тақдим қилдим, у оққа тўғри хатосиз кўчиртириб, лойиҳа раҳбаримиз Ректорга ўз вақтида етказиб турди.

Дастлабки 100 бет таржима ва таҳрирдан ва айниқса, Академик Шухрат Сиржиддинов берган маслаҳат ва кўрсатмалардан тўғри хулоса чиқариб, таржимани янада яхшилаб мукамаллаштириб бордик. Жоиз бўлса, бу таржима, айнан, “БОБУРНОМА” китобидек, аслидагидек ўқилишга ишонардим. Чунки таржима жараёнида З.М. Бобур тафаккури ичида гўёки туриб, яшаб, ўзимни у билан бирга сафарларда бўлгандек ҳис қилиб ва у билан бўлган воқеаларни кино лентасидек рангли тасвирларда уни ва воқеаларни кўриб, аммо таржима қилиб эмас, балки, воқеа ва ҳодисаларни ўз кўзим билан кўриб, кузатиб, тафаккуримдан ўтказиб, айнан инглиз тилида ёзиб бораётгандек қоғозга туширмоқдамиз.



Албатта, таржима ҳали кўп марталаб кўрилади, жой номлари ва исмлар, атамалар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси номлари каби ўзига хос реалия ва тасвирларни, уруғлар ва авлодлар ўртасидаги боғланишларни, изоҳда берилган масофа ва оғирлик ўлчовларини замонавий масофа ва оғирлик ўлчовига тенглигига аниқлик киритиш муҳим ҳисобланади. Бу ўта мураккаб жараёни масъул муҳаррир профессор Зиёда Тешабоева ўз шарҳ ва изоҳларини иқтибосларда алоҳида ёритиб борди.

Умуман олганда, таржимадан мамнунлик, қониқиш ҳис қилмоқдамиз. Давоми янада яхши бўлишига ишонаман. Эътибор ва маслаҳатлар учун олдиндан яна бир бор Ректоримиз Академик Шухрат Сиржиддиновга раҳматлар айтиб миннатдорлигимизни билдираман.

З.М Бобур мен туғилиб ўсган тоғли қишлоқ ва шаҳарлар атрофида кўп юрган экан. Ўйлаб, эслаб, тасаввур қилиб қарасам, унинг изидан ман ҳам кўп юрган эканман. Аммо жанг қилиб эмас, томоша қилиб, сайр қилиб, от ва эшакда юрган эканман. Энди таржима жараёнида барчаси хотирамдан бир-бир ўтиши таржимани мен учун енгиллаштирмоқда. Гўёки ман бу воқеаларни Бобур ёзганидан таржима қилиб эмас, балки унинг ёнида юриб, гўё воқеалар ичида бўлиб, улар иштирокчиси сифатида инглиз тилида ёзиб боргандек ҳис қилмоқда эдим ўзимни.

“Бобурнома”ни гапдан-гапга, параграфдан параграфга, саҳифадан саҳифага кўчиб, воқеалар ривожини инглизчада бир айтишда ҳар бир гапда ифодаланган воқеани камида 2-3 вариантда тасвирлаб айтиб турдим ва биттасини, энг яхшисини, аслга энг яқинини, энг мосини танлаб қоғозга тушириб ёзиб борди ёрдамчиларим. Улар ёзиб бўлгандан кейин ҳам, тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш учун, ўзим яна ҳар бир гапни ўқиб чиқавердим, баъзан бир параграфни қайта-қайта ўқишимга тўғри келди.

Яна компьютерга терадиган докторантлар ва муҳаррир Зиёда Тешабоевадан қатъий талаб қилдим-ки, агар бирор гап ёки иборага шубҳа туғилса, албатта, хабар қилинлар, тўғрилаймиз деб. Шунга қарамасдан, докторантлар эриниб, тўғри вариант билан алмаштирилмай қолиб кетган жойларни аниқлаб, диққат билан ўрганиб ўзим тўғрилаб чиқавердим. Албатта, бир неча марта эринмасдан қайта-қайта кўриш, текширишга тўғри келди. Ҳали таржима кўп экспертлар томонидан ўқилишига, таҳрир қилинишига ва баҳоланишига умид қиламан.

Худо хоҳласа, таржима ва таҳрирни тугатиб, таржимамиз раҳбари ректор, академик Шухрат Сиржиддиновга тақдим қилишда, яхшиси, принтердан беҳато чиқариб, жуда мукамал ҳолда беришимиз керак, деб тушунтирдим ва талаб қилдим. Чунки бу бизнинг умумий ишимиз, умумий таржимамиз. Таржима талабига мувофиқ уни стандарт бўйича шундай ўқимишли қилиб тақдим қилиш керак-ки, токи ҳеч кимни хатолар чалғитмасин, шубҳага ҳеч қандай ўрин қолмасин, токи бу иш бизларнинг ўз таржимамизга нисбатан қанчалик профессионал даражада масъулият билан



ёндошганимизни кўрсатсин. Чунки, бу таржима қанчалик аъло даражада яхши бўлса, мазкур таржима нафақат бизнинг ютуғимиз ва профессионалик даражамизга берилган баҳо, балки Ўзбек давлатининг, ўзбек халқининг, хусусан, ўзбек халқи зиёлиларининг ўз тарихий шахсига бўлган ҳурмат ва эътиборини аъло даражадаги мезони бўлиб қолсин. Боз устига, уни бутун жаҳон аҳли ўқиб, завқ билан ҳайратлар ичра ўрганишига, ўзбек халқи ва давлатига ўта ишонч, ҳурмат ва эътибор билан қизиқишига сабаб бўлиб қолади. Таржимамиздан кўнглим тўқ.

Энг аввало, бу ишга менинг ўта масъулият билан ёндошишимга менга таржима бўйича устозлик қилиб, қимматли маслаҳатлар бериб ва йўл йўриқлар кўрсатиб, таржима лабораториясини очиб, бадий таржима учун барча шароитларни яратиб, ҳатто “Адабиёт тарихи” кафедрасидан навоийшунос профессор-ўқитувчи олимларни менга Навоийни англаш, аруз вазни борасида тушунтириш бериш учун менга бириктириб қўйганлари учун Академик ректор Шухрат Самариддиновичга, менга катта умид ва ишончлар билан қараганлари учун ўз миннатдорчилигимни изҳор қилиб, агар уни заррача оқлай олган бўлсам, ўзимни бахтли деб ҳисоблайман.

Шунинг учун Алишиер Навоий номидаги Ўзбек тили ва Адабиёти Университети қошида очилган Таржимонлик факултетининг дастлабки маҳсулоти ва кадри деб ҳисоблайман ўзимни. Мен Ректоримиз раҳбарлиги ва раҳнамолиги остида “АЛПОМИШ” дostonини таржима қилдим ва ўз вақтида нашр қилинди. Унинг таржимаси бўйича дастлабки фалсафа доктори (PhD), филология доктори (DSc) диссертациялари муваффақиятли ёқланди ва яна бир қатор ёш тадқиқотчилар мазкур дoston таржимаси бўйича изланишлар олиб боришмоқда.

Натижада, Алишер Навоий ижоди ва фаолиятига, шеъриятига бағишланган китоблар ҳамда илмий мақолалар, айниқса, ғазаллари таржимасини уддалай олганим ва халқаро даражада юқори эътироф ва эътиборга сазавор бўлаётгани, аввало, Ректоримиз академик Шухрат Самариддинович раҳбарлик қилаётган Университетнинг ютуғидир ва бу мени қувотирмоқда. Умуман олганда, мен таржима ва таҳрир қилган китоблар сони 50 тадан ҳам ошиб кетди, шундан 30 га яқини нашр қилинди ва қолганлари ўз нашрини кутмоқда.

Бундан ташқари, 100 лаб халқаро, минтақавий конференция ва тренинглarda синхрон таржималар қилганман, мен таржима қилган китоб ва монографиялар, диссертация ва авторефератлар сони ҳам 100 дан ошиб кетди. Мақола ва тақризлар ҳамда Олий Мажлиснинг қонун лойиҳалари ва уларга ёзилган эксперт хулосаларидан қилган таржималаримни, шу жумладан, журналлар учун қилган илмий мақолалар таржималарини ҳисобга олсак, таржималарим сони рўйхати 1000 дан ҳам ошиб кетади. Бу ишларни келтиришдан мақсад, улар орқали таржима бўйича катта ва бетакрор тажриба орттирганимни эслатмоқчиман, холос. Боз устига, бу



бетакрор тажрибам энди “Бобурнома”ни таржима қилишда чинакам иш бермоқда.

Яна ректоримиз академик Шуҳрат Сирожиддиновнинг ташаббуслари билан навбатдаги “Бобурнома” китобини таржима қилиш лойиҳасини қабул қилиш ўта муҳим ҳисобланади. Мазкур таржима лойиҳаси устида олиб борилган жамоавий таржима иши қониқарли ва кўнгилдагидек олиб борилганидан мамнунман. Яна бир-бир ярим ой ичида уни сифатли якунлаб тақдим қилдик. Юқорида зикр қилинган омиллар, ҳамда 30 йилдан ошиқ даврда ҳар куни 10-15 соат мунтазам равишда фаол ёзма таржима билан шуғулланиб келганим, жами 50 йилдан ортиқ педагогик-илмий, назарий ва амалий таржима бўйича умумий иш тажрибам асосида кейинги таржималарни, хусусан, “Бобурнома” таржимасини ҳам уддалай олишимиз учун етарлича асос ва ишонч мавжуд. Мана китоб таржимасини тугатиб, таҳрир қилиб, Зиёдага тақдим қилдим. У қоғозга чиқариб келди, яна бир бор ўзим кўриб, таҳрир қилиб бердим. Таржимани ҳам, таҳрирни ҳам устидан ўзим яна синчиклаб қайта-қайта ўқиб, таҳрир қилиб тўғрилаб мукамал қилиб тақдим қилдим.

Таржима юзасидан мулоҳазалар юритар эканман, яна “Бобурнома” таржимаси бўйича бир масалани ёритиш шарт деб ўйлайман. Бу китобдаги шеърлар таржимасини, аввал қарор қилинганидек, инглиззабон таржимонлардан, жумладан, Такстон ва Бевирижнинг шеър таржималаридан олиними, менимча, хом қарор ва яхши эмас эди. Шу сабабдан ҳам, китобни ўз миллий таржимамизда сўрашган экан, ундаги шеърларни ҳам ўз миллий таржимамизда беришимиз керак деган хулоса келдик ва лойиҳа раҳбари Ректоримиз Академик Шуҳрат Сирожиддиновнинг маслаҳатлари ва кўрсатмалари ҳамда насрий баёнлари асосида “Бобурнома”даги шеърларни ҳам миллий таржимасини амалга оширдик.

Кейинги масала, таржиманинг сноскаларида (иқтибосларида) 200 дан ошиқ сўзлар ва иборалар бор. Шу сўзларни ва ибораларни ҳам ўзимизнинг изоҳли луғат ва миллий манбалардан олиб таржима қилишимиз керак. Шунинг учун, биз фақат табдилдан таржима қилдик. Шунинг учун ҳам у тушунарли ва равон ўқилади. Бобур руҳини ҳам, тил услубини ҳам, айнан ўзидек ифодалашга ҳаракат қилдик. Икки устундан иборат альбом шаклдаги 286 бетли табдил китобининг таржимаси стандарт босма қоғозда 530 саҳифадан ошиб кетди.

Профессор Зиёда Тешабоевадан кейин ҳам ўзим яна қоғозда аввал қизил ручка билан, кейин эса иккинчи марта яшил ручка билан таҳрир қилиб чиқдим. Афсуски, докторантлар йўл қўйган имловий хатолар билан бирга тиниш белгилари ҳам ўтиб кетганлигини аниқлаб, яна қайтадан тузатиб тўғрилаб чиқдим. Таржима чинакам яхши чиқди деб ишонч ҳосил қилмагунимча, қайта-қайта кўзимдан ўтказиб турдим.



Таржиманинг охириги нусхасига, Лойиха раҳбари ректор, академик Шухрат Сирожиддиновга тақдим қилинишидан олдин ҳам, яна бир кўз ташладим. Жуда яхши, равон ўқилади. Параграфларда ифодаланган воқеалар ўртасида мантиқий ва лингвистик боғлиқлик жуда яхши таъминланган. Охиригача воқеалар ривожланиши бир маромда мантиқий кетма-кетликда ифодаланган. Матннинг ифода воситалари, рема-темани ўрин алмашиши ўта экспрессив ифодаланганки, инглизча матн ҳам асл матндек ўзига ўқувчини жалб қилиб, сеҳрлаб олади.

Ва ниҳоят, таржима тугади. Китоб фожеа билан тугар экан, кўнглимиз бузилиб кетди. Анчагача жимиб қолдик. Афсус. Бобурга ачиндим. Аммо 12 ёшидан бошлаб унинг жўшқин ҳаёти тинимсиз кураш, ҳарбий юришлар, жанглар ва ғалабалар билан ўтганига гувоҳ бўлдим. Қисқа даврда, Бобурийлар салтанати учун мустаҳкам пойдевор қурди ва бу султанат 330 йил давом этди. У адолатли, халқпарвар шоҳ, шоир ва ғамхўр меҳрибон оилапарвар ота сифатида миллатлар, элатлар, уруғлар ва ҳатто ўзи босиб олган халқлар, давлатлар ва ҳатто душманларининг ҳам ҳурмат-эътиборини ва меҳр-муҳаббатини қазона олган дилбар севимли давлат арбоби, шоҳ бўлиб, қалбларни титратадиган даражада таъсирга эга бўлган, ҳар томонлама мукамал инсон, адиб сифатида башарият тарихида ўчмас из қолдирди.

Иш жараёнига шунчалик берилиб кетдик-ки, уни жуда катта қизиқиш, илҳом ва меҳр билан таржима қилдик. Бу нодир китоб ва буюк шахсият соҳиби Мирзо Бобур бутун инсоният учун намуна, ўрнатқич десам муболаға бўлмайди. У билан чексиз фахрланиб, ифтихор билан ишладик. Ҳатто Шоҳ Бобурга заҳар берилган воқеани ва унинг изтиробларини кўзда ёш билан таржима қилдик. Ҳатто ёнимда ёзиб бораётган ёш ёрдамчим Жавлонбек ҳам орқага бурилиб, кўз ёшини яшириб артаётганини сездим. У тамоғига бир нарса тикилгандай жим бўлиб қолди. Таржимонларнинг бундай рухий ҳолати таржимада ҳам Бобурнинг руҳи ва изтироби нақадар кучли сезилганидан далолатдир.

ЯКУНИЙ ХУЛОСАЛАР ВА ҲИСОБОТ.

1. Лойиха раҳбари, Ректор Академик Шухрат Самариддинович таҳрир қилиб берган шеърлар таржимасини тўғрилаб, “Бобурнома” китоби матнига мос равишда киритдим, барчаси мазмуни бўйича жой-жойига мос тушди.

2. Китобнинг таъдили асосида матндаги қоғоз таржима вариантимишни синчиклаб шошмасдан қиёслаб, параграфма-параграф ўқиб чиқиб, сўзларни сўзлар билан, айниқса, исм-шарифларни исм-шарифлар билан, гапларни гаплар билан, параграфларни эса параграфлар билан кетма-кетлигини мослаштириб таҳрир қилиб матнга киритдим. Ошиқча тақрорий сўзлар, гаплар ва параграф ва ҳатто бетларни чиқариб ташладим, қолиб кетган жойларини эса таржима қилиб тўлдирдим. Бу билан



таржимага имловий, лексик ҳамда синтактик-услубий тузатишлар киритиш билан таржима матни анча мукаммаллашди ва равон ўқиладиган бўлди.

3. Таржима матнининг боғланиш кетма-кетлиги, бетларнинг кетма-кетлигини ҳам табдил билан уйғун бўлиши таъминланди.

4. Бирламчи таҳрирда исмлардаги *-хон* ва *-бегим* қўшимчалари алоҳида бош ҳарф билан ёзилган ва тузатилмаганлиги аниқланди. Улар ҳам табдилдагидек исмларга қўшиб ёзиш билан тўғриланди. Умуман олганда, таржима матнини тўрт марта таҳрир жараёнидан ўтказишимга тўғри келди:

Биринчидан, ТНА кафедрасининг магистр ва докторантлари (мени ёрдамчиларим) таржимани ёзиб бориш жараёнидаги таҳрир – ёнида ўтириб матнга кўз ташлаб мунтазам тўғрилаб бордим.

Иккинчидан, раҳбар сифатида профессор Зиёда Тешабоева ва докторантлар таҳриридан кейин ҳам менга берилган таржиманинг ҚОҒОЗ матнини қизил рангда таҳрир қилдим. Таржима матнининг аксари бетларининг ҳар бирида ўртача 6-12 тагача имловий ва лексик хатолар қолиб кетганлигини аниқлаб тўғрилаб чиқдим.

Учинчи марта. Айнан шу қизил рангдаги таҳриримни компьютерга кўчиришгандан кейин ҳам ва таржима жараёни тугагандан кейин энди қоғоз вариантда қизил рангда қилган аввалги таҳририм асосида яшил ранг билан устидан яна таҳрир қилдим. Афсуски, қизил рангдаги биринчи қилган тузатишларим тўлиқ киритилмагани устига устак янги хатоларни, айниқса, тиниш белгилари тушиб қолганини ҳам аниқладим ва энди яшил рангда тўғрилаб чиқдим.

Тўртинчи марта. Қоғоздаги таҳрирларимда тўғрилаганларимни (қизил ва яшил рангдагиларни) яна компьютердаги файл матнига кўчириш жараёнида, умумий обзор сифатида, яъни матнга бутун бир тугалланган таржима матни сифатида қараб, таҳрир қилиб, хатоларни тўғрилаб чиқдим.

Юқоридаги тўрт босқичдаги таҳрирдан хулоса шуки, шу такрор ва такрор таржима ва таҳрир ишларимиз натижасида таржимамиздан кўнглим тўлди.

Демак, лойиҳа раҳбари академик Шухрат Самариддинович Сирождидинов берган маслаҳат, кўрсатмалар ва у кишининг Академиклик даражадаги таржимага қўйган юқори талабларига жавоб берадиган асл матнга уйғун адекват, мукаммал, равон ўқиладиган, мантикий кетма-кетлиги таъминланган, Заҳириддин Муҳаммад Бобур услубидаги “Бобурнома” китобининг инглиз тилидаги таржима матни яратилди, десам айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Муҳтарам Устоз Раҳбаримиз, Шухрат Самариддиновичга, чексиз миннатдорчилик билдирган ҳолда, мазкур таржима лойиҳамиз сифатли бажарилгани билан Лойиҳамиз раҳбари ва таржимонлари ва компьютерга терган докторантларни ҳамда таржимашунос жамоамизни ҳамда Бобуршунос олимларимизни чин қалбимиздан табриклаймиз.



Академик раҳбарнинг таржима бўйича амалий маслаҳатлари, кўрсатмалари ва дуоларининг ижобати ўлароқ, таржимамиз ўта сифатли мукамал тарзда яқунланди. Таржимадаги хатоларни ўз вақтида кўриб, ўз ўрнида топиб тўғрилаш билан уни мукамаллаштириш бўйича Академик раҳбарнинг доимий таклифлари ва маслаҳатлари, айниқса, “Бобурнома” таржимаси лойиҳаси бўйича масъулиятли, бош етакчи раҳбар таржимон сифатида таржима иши билан мунтазам танишиб боришлари, бу ҳар қандай таржима сифатининг олий мезонини белгилаб берувчи ва бизни рағбатлантирувчи асосий омил ҳамда китоб таржимасининг хорижий мамлакатларда кенг эътироф этилиши учун унинг халқаро салмоғини янада кучайтириш учун, адолат юзасидан айтиш керакки, Лойиҳа раҳбари ректор, Шухрат Самариддинович, Академик олим сифатида “Бобурнома” китобининг етакчи бош таржимони мақомида бўлишларини тақазо қилади ва ишонч билан айтиш мумкинки, таржима ҳам айнан шу мақомга арзийдиган даражада мукамал бажарилди. Масъул муҳаррирлик эса ф.ф.д., профессор Зиёда Тешабоева зиммасига юклатилди.

Шу билан бирга, “Бобурнома” таржимасининг инглизча матнини компьютерга теришда вақтларини аямай чин дилдан ёрдам берганликлари учун Университет докторантлари: Юлдуз Зайниева, Эгамберди Тўраназаров, Юлдош Абдурахмонов, Жаҳон тиллари Университети бакалавр босқичи талабаси Жавлонбек Одиловга Лойиҳа аъзолари номидан ўз миннатдорлигимизни билдириб, уларни таржима якуни билан табриклаймиз.

14 – февраль, 2025 й.